

“Тасдиқлайман”

Фурқат тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

Р.Юсупов

Фурқат тумани Опен бюджет маблағлари ҳисобидан Томоша МФЙ Дўстлик -1, Дўстлик-2
ва шифокор кўчаларини 800 метр жорий таъмирлаш

Т Е Х Н И К Т О С П И И Р И Қ

| № | Асосий маълумотлар | Иштирокчилар учун маълумотлар |
|----|---|---|
| 1 | Махсулот ва хизмат номи | Фурқат туман Томоша МФЙ Дўстлик -1 460 метр, Дўстлик-2 180 метр ва шифокор кўчалари 160 метр қисмини жорий таъмирлаш |
| 2 | Буюртмачи | Фурқат тумани ободонлаштириш бошқармаси |
| 3 | Буюртма учун асос | Томоша МФЙ Дўстлик -1 460 метр, Дўстлик-2 180 метр ва шифокор кўчалари 160 метр қисмини жорий таъмирлаш |
| 4 | Махсулот ва хизмат етказиб бериладиган манзил | Томоша МФЙ Дўстлик -1, Дўстлик-2 ва шифокор кўчалари |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | Танлов ҳужжатларида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариб бериш |
| 6 | Тижорат таклифлари тақдим этиш шартлари | Хизмат кўрсатувчи корхонанинг Низоми, гувоҳнома, солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида, қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги ҳақидаги гувоҳнома, ташкилотнинг балансида мавжуд машина механизмлар ҳамда моддий ресурсларнинг мавжудлиги, инженер ва техник ходимларнинг мавжудлиги тўғрисида ҳамда бажариладиган ишлар кафолати ва таклиф этилаётган хизматнинг киймати |
| 7 | Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби | Бажарилган ишлар буйича ҳисоб китоблар тузилган Форма-2 га ва далолатномага мос равишда амалга оширилади |
| 8 | Иш ва хизмат тури | Томоша МФЙ Дўстлик -1, Дўстлик-2 ва шифокор кўчаларини 800 метр жорий таъмирлаш |
| 9 | Ишни бажариш муддати | Шартнома имзоланган кундан олдиндан 30%лик тулов амалга оширилади ҳамда хизмат тулик бажарилиши билан 20 кун муддатда тулик ҳисоб китоб ишлари амалга оширилади хизматларнинг қабул қилиш далолатномасига асосан. Хизматларни бажариш муддати 25 кун |
| 10 | Техника-меҳнат хавфсизлиги буйича талаблар | Ишни бажариш жараёнида меҳнат ва техника хавфсизлиги қоида ва талабларига тўлиқ риоя этиш |
| 11 | Молиялаштириш манбаси | Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади |
| 12 | Бажариладиган ишлар киймати таклиф | 295 377450 (икки юз тўқсон беш миллион уч юз етмиш етти минг тўрт юз эллик) сўм |

Танлов хужжатларига талаблар.

1. Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик қарздорлиги тугрисида маълумот
2. Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот
3. Бажариладиган ишлар муддати сифатига қафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти ҳисоб рақамдаги маблағнинг мавжудлиги
4. Солик ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солиқ идорасини маълумотномаси ҳамда бажариладиган ишларга 1 йиллик қафолат

Танлов хужжатларига тавсифлар.

1. Банк ва солиқ реквизитлар ҳамда қарздорлик тугрисидаги маълумотнома тижорат таклиф
2. Зарурий техника ва моддий ресурсларини шунингдек ишчи ходимларни сони тугрисидаги маълумот
3. Нуқсон далолатномасида қурсатилган ишларни сифатли бажарилиши ҳамда маблағининг мавжудлиги
4. Қарздорлик йуклиги тугрисида солиқ маълумоти ҳамда бажариладиган ишларга 1 йиллик қафолат

Фуркат тумани Ободонлаштириш
бошқармаси комиссия раиси:



Р.Юсупов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«ФУРҚАТ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШКАРМАСИ »

Р.Юсупов

« 17 _____ 10 _____ 2022й



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети:

- 1. Фуркат туман Томоша МФЙ Дўстлик -1, Дўстлик-2 ва шифокор кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини смета лойиха килиш ва давлат экспертизасидан утказиш

1.2. Танлов қиймати : 295 377450 (Икки юз тўқсон беш миллион уч юз етмиш етти минг тўрт юз эллик) сўм

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 « ФУРҚАТ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ » (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона Фуркат туман

Эл.адрес: Навбахор ш-си

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов « ФУРҚАТ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ » “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фойздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ёлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ёлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади